

Янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига шарҳ



12:20 / 06.07.2021 4070

Эътиқодлар хилма-хил бўлган ва кўп миллатли жамиятда бағрикенглик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро тотувлик муҳити, инсонпарварлик ва меҳр-оқибат туйғуларини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш **ижтимоий ҳаёт фаровонлигига эришишнинг асосий гаровидир.**

Дин **шахсий дунёқараш ва амал** бўлиб, қонун уни тўлиқ қафолатлайди, ҳар бир шахсни диний ҳиссиётлари камситилишидан ҳимоялайди.

Ўзбекистон қадимдан турли миллат ва элат ҳамда конфессия вакиллари ўзаро тинч-тотув яшаб, ўз **диний ибодат ва расм-русумларини эмин-эркин** бажариб келган **бағрикенг диёр** сифатида қадрланади.

Мамлакатимизнинг ушбу йўналишда олиб бораётган изчил сиёсати халқимиз ва жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳақли равишда эътироф этилмоқда.

Юртимизда виждон эркинлигини таъминлаш ҳар доим устувор вазифалардан бири бўлиб келган. Шу боис, парламентимиз томонидан **“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда** ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Ушбу мақсадда, Қонун виждон эркинлиги меъёрларини аниқ кўрсатиб, фуқароларнинг **хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслигини** таъминлайди. Шунингдек, ҳар қандай динга зўравонлик билан киритишни тақиқлайди.

Демократик давлатлар қаторида, қонун устуворлиги тамойилидан келиб чиқиб Ўзбекистонда ҳам **диннинг сиёсатга аралashiши** ҳамда **диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмаслиги** Қонунда аниқ кўрсатилди.

Қонунни тайёрлашда шу борадаги **халқаро меъёрва талаблар**, биринчи навбатда, **Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт** ҳамда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг **умумий тартибдаги шарҳлари** пухта ўрганилиб, улардаги асосий қоида ва тамойиллар инобатга олинди.

Юртимизда **тарихан шаклланган анъана, урф-одат ва қадриятларни** ҳисобга олган ҳолда, Қонунда ҳамкорларимиз – Европа Кенгашининг Венеция комиссияси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси каби нуфузли халқаро тузилмалар**экспертлар**итомонидан берилган **тавсиялар ўз аксини топди.**

Қонундаги принципал янгиликлар ҳақида гапирганда, улар диний-маърифий соҳада олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотларнинг изчил давоми сифатида, аввало, ҳар бир инсоннинг **виждон эркинлигини** таъминлаш учун қулай шарт-шароитларни яратишга, ҳуқуқни қўллаш амалиётига **аниқликлар киритишга** алоҳида эътибор қаратилганини қайд этиш лозим.

Бу янгиликлар айниқса қуйидаги масалаларда яққол намоён бўлади.

Биринчидан, Қонун асосида диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш билан боғлиқ тартиб соддалаштирилиб, бу борада **муҳим энгилликлар жорий этилмоқда.**

Хусусан, маҳаллий диний ташкилотлар, жумладан, масжидлар ва бошқа конфессияларнинг ибодатхоналарини ташкил этиш бўйича ташаббускор фуқаролар сони икки баробар камайтирилиб, **50 нафардан кам бўлмаган** этиб белгиланди. Шунингдек, диний ташкилотнинг марказий бошқарув органи ва диний таълим муассасаларини тузиш учун ҳам **100 нафар** ташаббускор бўлиши ҳақидаги талаб **бекор қилинди.**

Диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ хизматлар **тўлиқ электрон шаклда, инсон омилисиз** амалга оширилиши жорий этилди.

Рўйхатдан ўтказувчи адлия идораларига тақдим этиладиган **ҳужжатлар сони кескин қисқарди,** уларни кўриб чиқишнинг муддати эса **3 баробар** га камайди, яъни **3 ойдан 1ойга туширилди.**

Бу билан диний ташкилот тузиш ташаббускорларига **қулай, тез ва сифатли** хизмат кўрсатиш имконияти яратилди, ортиқча бюрократик тўсиқлар бартараф этилди.

Диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказишни **рад этиш асослари** Қонун билан белгиланиб, унда кўрсатилмаган асосларга кўра рад этишга йўл қўйилмаслиги таъминланди.

Шу билан бирга, диний ташкилотнинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш ва тугатиш **фақатгина суд орқали** бўлиши, рўйхатдан ўтказадиган ва бошқа давлат органлари бунга ҳақли эмаслиги, мансабдор шахсларнинг муайян диний ташкилот қонуний манфаатларини бузувчи хатти-ҳаракатлари устидан судга мурожаат қилинганда диний ташкилот **давлат божини тўлашдан озод этилиши** каби **қўшимча кафолатлар** назарда тутилди. Бу ҳам илгари тарихимизда бўлмаган механизмлардир.

Иккинчидан, диний **таълимнинг профессионал мақоми** расман эътироф этилди, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, динга бўлган муносабатидан қатъи назар, дунёвий таълим олиш ҳуқуқи таъминланиши қайд этилди.

Ҳар қандай шахснинг “ўзича” аҳолига диний таълим бериши – **ноанъанавий ақидаларнинг тарқалишига,** мутахассис бўлмаган

шахслар томонидан

соф диний масалалар бўйича бирёқлама тушунчалар берилишига олиб келади.

Бу эса жамиятда диний масалалар билан боғлиқ **ихтилофлар келиб чиқишига, аҳолининг ёт ғоя ва қарашлар таъсирига тушишига** сабаб бўлади. Шу мақсадда, диний таълим муассасасидан ташқарида диний таълим бериш **ноқонуний фаолият сифатида** белгиланди.

Учинчидан, амалдаги қонунчилик ҳужжатларида “ибодат либоси” тушунчасининг **ҳуқуқий таърифи мавжуд эмаслиги сабабли** жамоат жойларида ибодат либосида юришга тақиқ Қонундан чиқариб ташланди.

Шу билан бирга, амалдаги **бошқа қонунчилик ҳужжатларига** асосан, давлат ташкилотлари ва муассасаларида ходимларнинг кийинишига оид талаблар уларнинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Тўртинчидан, диний ташкилотни тузиш учун талаб этиб келинган **маҳалла фуқаролар йиғинлари розилигини олиш тартиби** бекор қилинди. Диний ташкилот тузиш ташаббускорлари **ортиқча хат-ҳужжатларни** йиғишдан халос бўлдилар.

Бешинчидан, бугунги кунда дунёнинг кўпгина минтақаларида нотинч вазият ҳукм сураётгани туфайли диний омилдан ғаразли мақсадларда фойдаланиш кучайиб бораётганини инобатга олиб, Ўзбекистон ҳудудида бузғунчи ғояларнинг тарқалишига йўл қўймаслик учун диний мазмундаги босма, аудио ва видео **маҳсулотларни экспертизадан ўтказиш** долзарб бўлиб қолмоқда.

Қонунда, жамиятда турли ёт қарашларни тарғиб қилаётган гуруҳларнинг фаолияти, улар томонидан тарқатилаётган бузғунчи ғояларнинг салбий таъсиридан аҳолини ҳимоя қилиш мақсадида **диний мазмундаги материалларни диншунослик экспертизасининг ижобий хулосасини олгандан кейин тайёрлаш,** олиб кириш ва тарқатиш белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, давлат идоралари томонидан қонун нормалари **ноҳолис талқин қилиниши** ва турлича қўлланишининг олдини олиш мақсадида **атама ва тушунчаларга таърифлар** келтирилди, улар **аниқ ва равшан тарзда** баён этилди.

Негаки, қонун атамаларининг нотўғри талқин қилиниши натижасида турли тушунмовчиликлар, масалага ноҳолис ёндашув ҳолатлари вужудга келиши

мумкин. Шу каби омиллардан келиб чиқиб, Қонунда ҳар бир инсоннинг Конституциямиз билан кафолатланган ҳуқуқларига мос равишда, фуқароларга **диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмаслиги** қатъий белгиланди.

Ушбу қўшимчалар жамиятда турли конфессиялар ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга, юз бериши мумкин бўлган турли тушунмовчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Диний қараш ва таълимотларнинг турлича талқин қилинишига йўл қўймаслик мақсадида **“ноқонуний диний фаолият”** билан **“қонуний диний фаолият”** ўртасидаги чегара аниқ белгилаб қўйилди ҳамда **“диний таълим”** тушунчасига ҳуқуқий жиҳатдан аниқлик киритилди.

Шунингдек, Қонун билан белгилаб қўйилаётган **виждон эркинлигини таъминлаш соҳасидаги асосий устуворликлар** конфессиялар ўртасида тинчлик ва тотувликни таъминлаш, **дунёвий давлатчилик тамойилини кафолатлаш**, шунингдек, аҳоли онги ва қалбига ёт ғояларнинг сингдирилишига қарши маърифат йўли билан курашишни назарда тутди.

Шу ўринда яна бир бор таъкидлаймиз, Ўзбекистон – кўп конфессияли мамлакат. Унда истиқомат қиладиган **130 дан** ортиқ миллат ва элат вакиллари **16 конфессияга** амал қилади. Уларнинг ўзаро тинч, тотув ва ҳамкор фаолият кўрсатиши Ватанимиз равнақи, юртимиз тинчлигини таъминлашга хизмат қилади.

Қонунда фуқароларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва жамиятда тинч-тотувликни таъминлашга, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришига шарт-шароит яратишга **давлатнинг кафил экани қайд этилди.**

Мазкур Қонун диний бағрикенглик ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга, диннинг асл моҳиятини англашга, бузғунчи ғояларга қарши иммунитет ҳосил қилишга, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшади.

Умуман олганда, ушбу Қонун инсон ҳуқуқлари бўйича **халқаро стандартлар билан кафолатланган**, диний соҳада умумэътирофэтилган ҳуқуқ ва эркинликлар, юртимиздаги ҳозирги диний вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари ва бевосита Ўзбекистонда динлараро муносабатлар шаклланишининг **тарихий шароитларини** ўз ичига олгани билан аҳамиятлидир.

Қонун турли динларга эътиқод қилувчи мамлакатимиз фуқаролари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликка асосланган муносабатларини сақлаб қолиш ва янада мустаҳкамлаш, уларнинг диний эътиқод билан боғлиқ қадриятлари, урф-одат ва анъаналари ҳурмат қилиниши ҳамда тўлиқ таъминланишини кафолатлайди.

Бу эса, ҳеч шубҳасиз, янги Ўзбекистонни барпо этиш ва уни дунёга тараннум қилишнинг энг муҳим шарти ва гаровидир.

Манба: Huquqiy axborot телеграм канали